



МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИГА ОИД АСАРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАХЛИЛИ

А.Қамбаров

ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, профессор

Орифхўжаев Шахбозхўжа Икромхўжа ўғли

Фарғона давлат университети

мусиқа таълими ва санъат

йўналиши 2-курс магистри

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-May 2023 yil

Ma'qullandi: 23-May 2023 yil

Nashr qilindi: 26-May 2023 yil

KEY WORDS

мусиқа, маданият,
Пифагорчилар, рисоалар,
Форобий, "Катта мусиқа
китоби", урф-одатлар,
"Меҳржон".

ABSTRACT

Ушбу мақолада Марказий Осиё мутафаккирларининг мусиқа санъатига оид асарларининг илмий-назарий тахлили ҳамда Марказий Осиё халқлари маънавий дунёқараши шаклланишида мусиқа санъатининг ижтимоий аҳамияти масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбек халқи аجدодларининг мусиқа сарчашмалари Марказий Осиё ҳудудида яшаган қардош халқлар биринчи навбатда тожик халқи ижоди билан мустаҳкам боғланган. Бу мусиқа асарлари X-XI асргача иккала халқ учун ҳам бир бутунликни ифода этади. Кейинчалик у ўзбек ва тожик мусиқа маданиятларининг шаклланиши учун бир умумий асос бўлиб хизмат қилди.

Айни IX-XI асрларда мусиқа фанига асос солиниб, Марказий Осиёнинг ўрта асрда яшаган олимларнинг деярли барчаси бу масала билан шуғулландилар. IX асрда мусиқа ҳақида рисоалар пайдо бўлиб, уларда мусиқанинг назарий асослари ташкил этилади, мусиқа, асбоблари илмий тасвирланади, таниқли ижрочиларилар номи, уларнинг репертуарлари, кенг тарқалган мусиқа жанрларининг номлари келтирилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Марказий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг жуғрофий ўрни ва табиий воситаларига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Унинг серҳосил водийси, чўл ва дашти, тоғларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитидаги фарқлар турли хўжаликларнинг эртароқ пайдо бўлиши ўзига хос маданиятлар шаклланишига олиб келди. Марказий Осиё маданияти Шарқ ва ғарб ўртасида воситачилик миссиясини бажаришига сабаб бўлди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро савдода ва маданий соҳаларда ҳам Марказий Осиё ғарб ва Шарқ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини бажарди.

Марказий Осиё олимлари фалсафа, математика, медицинага оид жуда кўп ўзларининг асарларни маълум бир қисмини мусиқага бағишлагандилар. Мусиқани тадбиқ этишда уларга Пифагор ва унинг математика услуги маълум даражада таъсир

кўрсатган. Мусиқа асосан шеър тузилиши асоси билан боғлаб тушуниланган. Шу билан бирга Пифагор мусиқани инсон ҳаётининг энг муҳим элементи деб ҳисоблаган. Пифагор мусиқанинг терапевтик таъсири ҳақидаги таълимотга эга. У мусиқанинг онг ва танага таъсири ҳақида иккиланмай, уни “мусиқий табобат” деб атаган. Унинг фикрича, “мусиқа, агар тегишли режимларга мувофиқ фойдаланилса, соғлиқка катта ҳисса қўшади [инсон руҳи](#) ва бутун дунё бир бутун сифатида мусиқий – сонли асосга эга.[1] Кечқурунлари пифагорчилар ўртасида торли чолғу асбоблари жўрлигида хор қўшиқлари ижро этилган. “Пифагорчилар ухлаётганларида, ўзгача оҳанглар билан ўтказган кундан кейин онглари овоз қилишди ва шу билан ўзларини тинч уйқу билан таъминладилар ва уйқудан туриб, уйқучан летаргия ва бемаъниликни бошқа турдаги воситалар ёрдамида олиб ташладилар. Пифагор мусиқа ва қўшиқ билан касал одамларга ҳам таъсир кўрсатган ва шу билан баъзи касалликларни даволаган, аммо бу ҳақиқат ёки йўқлигини ҳозир тушуниш мумкин эмас. Пифагорлар даволаш учун ишлатиладиган оҳангларни касалликларга қараб таснифлаган ва ҳар бир касаллик учун ўзининг мусиқий рецептига эга эди. Маълумки, Пифагор торли учун аниқ устунлик берган мусиқий чолғу ва шогирдларини ўткинчи бўлса ҳам, най ва най садоларига қулоқ солмасликдан огоҳлантирди, чунки унинг фикрича, улар қўпол, тантанали ва бир оз олижаноб эмас.[2]

Она заминимиздан етишиб чиққан минглаб олиму уламолар, шоирлар ва буюк мутафаккирлар, жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк файласуф ва алломаларнинг асарлари жаҳон цивилизациясининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган ва жаҳон фани маданияти тарихида ўчмас из қолдирган. Улар “...эътиқод далиллари билан ақл далиллари ўзаро мувофиқлаштиришга, кенг оммани дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллашга, олам сирларини билишга даъват этганлар.[3:70]

Улуғ аждодларимиз мусиқанинг илоҳий қудратини, мусиқасиз комил ва фозил инсонлар шахсини вояга етказиб бўлмаслигини чуқур англаб етганлар. Уларнинг орасида мусиқа соҳасининг катта билимдонлари ва мусиқа назарийчилари анчагина.[4:32] Шулардан бири Яқин ва Ўрта Шарқ мусиқа маданиятининг йирик арбоби Абу Наср Форобий бўлиб, уни биринчи мусиқа назарийчиси деб эътироф этиш мумкин. Унинг фикрича, Марказий Осиё мусиқашунослик илми узоқ тарихга эга эканлиги ва бу соҳа инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва хиссиётлари билан бевосита боғлиқдир.

Абу Наср Форобий ўзидан олдин ҳам мусиқа тўғрисида ёзилган китоблар мавжуд эканлигини ўз асарларида айтиб ўтган. У ўз асарларида мусиқий илмнинг айрим масалаларида қатор чалкашлиklar мавжудлигини ва шунинг учун ҳам бу камчиликлар хусусида ўз фикрини билдирмоқчи бўлганлигини баён этган. Жумладан, у (Форобий А.Қ.) “Мусиқа ҳақида ёзилган китобларни ўқиганимда мусиқа санъатининг баъзи қисмлари четда қолдирилгани мулоҳаза этдим ва мусиқа ҳақида ёзилган кишиларнинг айтганлари, айниқса назарий жиҳатидан бир-бирига боғланмаган ва

1 <https://qomus.info/oz/encyclopedia/p/pifagor/>

2 <https://hiddenshell.ru/uz/pifagor---biografiya-fakty-iz-zhizni-fotografii-spravochneya/>

3 Маврулов А., ва бошқалар. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси. –Тошкент: Sano-standart нашриёти. 2017. –Б. 70

4 Қамбаров А.А., Рўзматзода Қ. Миллий мусиқа ва маънавий камолот. Гулистон журнали. № 2. 1996. –Б. 32

изоҳга муҳтождир”, - дейди. Маълумки, бундай тадқиқотчилар Форобийгача кўп бўлган, уларнинг ҳаммаси назарий билим ва истеъдод соҳиблари бўлиб, мусиқий билимларни олға силжитишдан бошқани кўзламаган ва бир-бирининг кетидан ўзидан олдинги тадқиқотчи фикр-мулоҳазалари билан танишиб, ўз навбатида уларнинг фикрига-фикр қўшганлар. Лекин уларнинг мусиқий рисолалари унутилиб, эсда қолганлари ҳам араб тилига ёмон таржима қилинган. Форобий буларни юқорида қайд этилган асарлардаги нуқсоннинг бирдан-бир далили деб ҳисоблайди.

Форобийнинг йирик мусиқашунослигини Шарқнинг буюк мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий ўзининг “Мусиқа ҳақида”ги рисоласида Форобийни Шарқнинг йирик мусиқашунос олими сифатида тилга олади.[5:175]

Форобий мусиқашуносликда, хусусан, ўзининг умумий фалсафий тизими ва дунёқарашидан келиб чиқиб, мусиқа назариясига жуда катта эътибор беради ва мазкур масалаларга доир қатор рисоалар ёзади. “Калом фи-л мусиқи” (“Мусиқа ҳақида сўз”), “Китоб фи ихсо ал ибқоъ” (“Ритмлар классификацияси ҳақида китоб”), “Китоб фи-н нақра музофа ила-л ибқоъ” (“Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида китоб”) каби рисоалар шулар жумласидандир. Форобий ўз рисоалари орқали мусиқа назарияси категорияларини мутахассис сифатида мукаммал текшириб чиқади, шу билан бирга, мусиқанинг илмлар тизимида тутган ўрни, ички қонуниятлари, унинг инсон маънавий ҳаёти учун аҳамияти каби фалсафий-назарий масалаларни ўз даврининг илмий-маданий савияси асосида тушунтиришга ҳаракат қилади.

Форобий томонидан мусиқа илми ҳақида ёзилган асарлари ичида “Китоб ал мусиқи ал кабир” (“Катта мусиқа китоби”) номли энциклопедик асари Ўрта ва Яқин Шарқда мусиқа назарияси ва санъатининг ривожланишида қўлланма сифатида хизмат қилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Форобийнинг мазкур “Китоб ал мусиқи ал кабир” (“Катта мусиқа китоби”) номли энциклопедик асарида ўзигача яшаб келган олимларнинг мусиқага илмига оид асарларидаги ноаниқликларни, мусиқа санъатининг баъзи қисмлари четда қолдирилган бўлса уларни мулоҳаза қилиб, мусиқаларнинг бир-бирига назарий жиҳатдан боғланмаган ва изоҳга муҳтож жойларини аниқлаб, ўзининг назарий фикрларини баён қилади.

Форобийнинг фикрича, назарий билимлардан хабардор бўлган етук санъаткор қайси билимда бўлмасин, қуйидаги шу учта нарсага эга бўлиши керак:

1. Ҳар бир билимнинг усул ва қоидаларини тўла билиши лозим.
2. Шу билимнинг турли ҳолатларида ҳосил бўлган усул ва қоидаларнинг натижаларини шарҳ ва изоҳ этишга қобил ап истеъдодли бўлиши керак.
3. Мусиқа (санъати) ҳақида нотўғри эга бўлган ёзувчиларнинг нотўғри назарияларини танқид эта билсин, хато ва тўғри назариялар ўртасидаги фарқни кўрсата билсин ва хатолар ойдинлаштира олсин.[6:243]

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Форобий “Китоб ал мусиқи ал кабир” (“Катта мусиқа китоби”) номли энциклопедик асарини икки қисмга бўлиб, ўз фикрларини баён қилади.

5 Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. –Т.: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти. 1963. –Б. 175

6 Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. –Т.: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти. 1963. –Б. 243

Асарнинг биринчи қисмида Форобий мусиқа усулини топиш, топишга қўлланма бўлувчи масалалар ҳақида сўз юритади. Шундан сўнг шу усул воситаси билан қўлга киритилган натижаларни ойдинлаштириб ва бу назария ҳақида ўзининг махсус йўл-йўриғини, ўзигача ижод қилган олимларнинг йўл-йўриғига аралаштирмасдан кўрсатиб беради.

Китобнинг иккинчи қисмида мутафаккир машҳур назариётчиларнинг мусиқа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтиб, бу ҳақда очиқ-ойдин бўлмаган нарсаларни зикр этиб, уларни мусиқа бобидаги даража-ҳиссаларини аниқлайди.

Ўрта асрлардаги ва кейинчалик яратилган мусиқа трактатларида чолғу созлари ва уларда ижро этиладиган асарлар тўғрисида бир қатор маълумотлар берилган. Ўз давридаги муаллифлар вокал мусиқани мазкур санъатнинг энг муҳим шакли деб ҳисоблашса-да, асосий эътиборни чолғу мусиқасига қаратганлар. Жумладан, Форобий ўзининг мусиқа ҳақидаги трактатида чолғу мусиқа ашулага жўр бўлишлиги, овозга тақлид қилишлиги, уни бойитиб, ашуланинг кириш қисмида ижро этилишини таъкидлаб ўтади. Бу эса ашулага дам беришлиги ва айна пайтда улар ашуланинг овози етмайдиган жойларни бўрттириб, вокал мусиқани бойитади, - деб ёзади.

Форобийнинг “Катта мусиқа китоби”да фақат музика назарияси ва тарихи баён этилмай, Шарқда маълум бўлган рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби музика асбоблари ҳамда уларда куй ижро этиш қоидалари тафсилоти ҳам берилган. Шунингдек, адабиётшунос олим Натан Маллаев ҳам қадимий қўлёзмаларга таянган ҳолда ўзининг маданият тарихига оид асарларида Х-ХИИ асрларда танбур, рубоб, кўс ноғора, қўбиз, най, сурнай, карнай, қонун каби торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу созлари ўлкамизда кенг тарқалганлигини айтиб ўтади.[7:60]

Форобийнинг ўзи ҳам моҳир созанда, бастакор бўлиб, манбаларда янги мусиқа асбобини ихтиро этганлиги, унда ниҳоятда таъсирчан куйлар яратганлиги қайд этилади. У мусиқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита, деб қараган. Унинг мусиқа соҳасида қолдирган мероси мусиқа маданияти тарихида оламшумул аҳамиятга эгадир.

Форобий мероси билан шуғулланувчи бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кейинчалик унинг “Катта мусиқа китоби”га кирган илк қомусий асарларидан бирининг мусиқа ҳақидаги бўлими Бухорода ёзилган деб топилмоқда.[8:44] Кўринадик, ўз даврида юзага келган юксак мусиқа маданияти мазкур соҳага тегишли илмий рисоаларга эҳтиёж бўлган ва Форобийдек забарзаст олим уни амалга оширган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Форобийнинг ўзига хос назариялари мусиқа амалиётининг янги уфқларга эришувида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Форобийнинг “Китоб ал мусиқи ал кабир” (“Катта мусиқа китоби”) номли энциклопедик асари ўз даврида ва бугунги кунда ҳам мусиқашунослик илмини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур асарининг қимматлилиги Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти ходимлари томонидан 1962 йилда

7 Қамбаров А.А., Маннопов С., Нажметдинова М.М. Ўзбек санъати тарихи. Фарғона нашриёти. 2021. –Б. 60
8 Матёкубов О. Мақомат. –Т.: Мусиқа нашриёти. 2004. –Б. 44

нашр этилган “�ўрта Осиё халқларининг мусиқий-назарий мероси” ҳақидаги мақоласида ўз аксини топган.[9]

Форобий мусиқа назариясида товушлар вужудга келишининг табиий-илмий таърифини берибгина қолмай, куйлар гармониясининг математик принципларини очади, турли жадваллар, геометрия қоидалари асосида кўплаб мураккаб чизмалар келтиради. У Шарқ мусиқасининг ритмик асосини далиллар билан шарҳлаб беради. У ритмларни ташкил этган зарб бирликларини, уларнинг бирикмасидан ҳосил этиладиган ритм ўлчовлари ва турларини ёритиб беради.

Абу Наср Форобийнинг мусиқа илмида олиб борган самарали изланишлари натижасида мумтоз мусиқанинг универсал қонуниятлари назарий шакллантирилди ва бу эришилган натижа пайғамбарларнинг самоъ мероси, бастакорлик ижодиёти ва Шарқ халқлари мусиқий қадриятларининг ўзига хос қомуси бўлган салобатли мақом тизимларининг яратилишида пойдевор асос бўлди. Бинобарин, юқорида мухтасар тавсиф этилган илмий асарларнинг юзага келиши ўлароқ кишиларнинг онги ва савияси юксалиб, мусиқа ҳақидаги тушунчалари ва мусиқавий-эстетик қарашлари баркамол бўлган, қолаверса, шу аснода жаҳон санъатида беқиёс ўринга эга бўлган мақом туркумлари шаклланиши учун барча зарур омиллар жамул жам бўлган эди. Унинг мусиқа соҳасида қолдирган илмий мероси мусиқа маданияти тарихида оламшумул аҳамиятга эга.

Форобий мусиқа билан поэзия чуқур боғланган, мусиқа шеърдаги вазнлар нисбати билан мустаҳкам алоқада; ритм эса поэзия билан мусиқани бирлаштирувчи бошланмадир, - деб билган.

Абу Райҳон Беруний (974-1048) ўрта аср ва ўзбек фанининг энг ўткир, энг илғор намоёндаларидан бирidir. Бу тенги йўқ олим жуда дадил, ўткир фикр эгаси бўлиб, Шарқда илм-фан тараққиётининг янги даври бевосита Берунидан бошланади. У ўзининг аниқ фанлар соҳасида қилган катта хизматлари ва кашфиётлари билан ўз даврдан анча илгарилаб кетди ва ҳозирги замон илм-фани ривож учун ҳам беназир ва бебаҳо илмий, маънавий бойлик қолдирди. “Миллий тарихимизнинг ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон ХИ асрни “Беруний асри”, - деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади”.[10:42]

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари ҳақида тўхталсак, бу тарихий манба Ўрта Осиё халқлари ва форс, юнон, яхудий, христиан, араб каби бир қанча халқларнинг йилнома ва урф-одати, дин, эътиқодлари, фани ва тарихи, маданияти ва санъатига оид қимматли маълумотларни беради. Шарқ халқлари тарихига оид бу қимматли асарда илгари сурилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шу билан бирга Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида сувга бағишланган урф-одатлар, ҳайтлар ҳақида кўп ҳам тўхталиб ўтган. Лалмикор ерларда “Сув хотин”, “Суст хотин” оммавий-маданий тадбир маросимлари шаклланган.

9 Визго Т.С., Рашидова Д. Омузыкально-теоретическом наследии народов Средней Азии. –Т.: Обществение науки в Узбекистане. 1962. № 3

10 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008. –Б. 42

Бундай урф-одатларда, одамлар йил бўйи сувли, ҳосилдорлик мўл бўлсин деб бир-бирларига сув сепганлар. Бу одатлар форишликларда ҳозиргача кунгача сақланиб қолган. Бунда қишлоқ аёллари катта қўғирчоқ ясаб, унга қари кампирни қўйлагини кийгизишган. Маросим қатнашчилари “Суст хотин” қўшиғини айтиб, уйларга киришганда уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб, қўғирчоқ устидан сув сепишган, ўз имкони доирасида ҳайр-эҳсон қилишган.

Беруний ёзишича, “Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир. Демак, Наврўз баҳорда кун ва туннинг барабар келишида нишонланса, Меҳржон – куздаги тенг кунликда нишонладиган байрам бўлган. “Наврўз” куни жонланиш бошланса, “Меҳржон” куни ўсувчи нарсаларнинг етилиши чегарасиги етиб, ўсиш моддаларининг ундан узилиши содир бўлган.

“Меҳржон” байрамидан сўнг одамлар қишга тайёргарлик кўра бошлаган. Хуросон подшоҳликларида шу куни отлик аскарларга кузлик ва қишлик кийим бериш расм бўлди”, - деб ёзади Беруний. Шунингдек, “Тиргон” байрами ҳам бўлиб, у асосан куз бошида йиғим-терим бошланишидан олдин ўтказиладиган оммавий-маданий байрамдир. “Тир” сўзи “куз” деган маънони билдиради.

Берунийнинг таъкидлашича, “Сада” байрами Зардуштийликнинг энг йирик байрамларидан бўлиб, у оловнинг кашф этилишига бағишланади. Мавжуд манбааларга асосланиб ва таянган ҳолда “Сада” байрами қиш мавсумида ўтказилганлигини яққол билса бўлади. Бироқ, баъзи тарихий манбааларда бу байрам қиш бошланишидан олдин, яъни 22 декабр куни, энг қисқа кун ва энг узун тун бўлганда, яна бир манбааларда қишки совуқлар тугаганда, қишнинг охирида ўтказилган. Беруний бу тўғрида жуда қизиқарли маълумотларни келтиради. Айтишича, шу куни қиш жаҳаннамдан дунёга чиқади. Шунинг учун олов ёқиб алангалатиш, шу оловга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, аланга ичига паррандаларни учиритиш ва олов атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилиш подшоҳлар маросимига айланади.

Аввало, олим (Беруний – А.Қ.) фанни ҳам, адабиётни ҳам, маданият ва санъатни ҳам борлиқнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши, табиат ва жамият хоссалари, қонун-қоидаларини тафаккурда шаклланган кўринишларидир, деб тушунади. Шунинг учун, у фан билан бадий ижод орасида яқинлик кўради, - деб ёзади атоқли олим Нажмиддин Комилов.[11:38]

Абдурахмон Жомий бошқа илмлар билан бир қаторда мусиқа илми билан ҳам шуғулланган. Интерваллар назарияси ўтмишда Шарқда атрофлича ўрганиб келинган. Лекин эски замонавий тушунчалар ўртасида катта фарқ бор. Абдурахмон Жомий рисоласидаги шеър мазмунан мусиқийни улуғлаш, унинг илоҳий сифатларини мадҳ этишга қаратилган қисқа, лекин ўта маъноли байтлар созандалар ўз ишига киришиш (қуй чалиш, ашула айтиш) дан олдин айтадиган дуоларни эслатади ва бу ўринда Сараҳборламнинг ибодатомуз руҳиятига мос тушиши ҳақидаги маълумотлами бериб ўтган. Рисола мусиқашунослик тарихида жуда катта аҳамиятга эга.[12]

Жомий ва ўтмишдошлари каби овозларнинг интервал ҳолдаги ўзаро муносабатларини беради, уларни торнинг исмлари нисбатидан чиқаргани ҳолда

11 Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Тошкент: Маънавият. 1999. –Б. 38

12 Қаранг: Мадрахимов Б.Х. Ўзбек мусиқа тарихи. – Тошкент: 2018.

асосий жинс-товушқатор (тетрахорд ва пентахорд) ларни ташкил қилиш ҳамда улардан жам (парда) лар ташкил этиш усулини кўрсатади.

Марказий Осиё олимларининг мусиқа назариясига оид асарлари халқнинг мусиқий ҳаётига бағишланадиган саҳифалардан жой олмаган. Лекин шак-шубҳа йўқки, сарой ва шаҳар доирасида оммавийлашган бой, ривожланган мусиқа санъати, ажойиб куйлар ижодкори, ижрочилари бўлган ўрта аср бастакорларининг профессионаллашиши халқ мусиқа маданияти заминида ўсди ва ривожланди, идрок этишнинг қатъий қоидалари эса халқ мусиқа амалиётининг кўпинча ижодий қайта ишланиши натижаси бўлди.[13:15]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Марказий Осиё мутафаккирларининг мусиқа санъатига оид асарларининг илмий-назарий таҳлил қилар эканмиз undagi илгари сурилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар яратган мусиқа санъатига оид асарлари, рисолалар ҳозирги кунда ҳам мусиқа назарияси ва бошқа мусиқага оид бўлган фанлар учун дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/p/pifagor/>
2. <https://hiddenshell.ru/uz/pifagor---biografiya-fakty-iz-zhizni-fotografii-spravochnaya/>
3. Маврулов А., ва бошқалар. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси. –Тошкент: Sano-standart нашриёти. 2017. –Б. 70
4. Қамбаров А.А., Рўзматзода Қ. Миллий мусиқа ва маънавий камолот. Гулистон журнали. № 2. 1996. –Б. 32
5. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. –Т.: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти. 1963. –Б. 175
6. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. –Т.: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти. 1963. –Б. 243
7. Қамбаров А.А., Маннопов С., Нажметдинова М.М. Ўзбек санъати тарихи. Фарғона нашриёти. 2021. –Б. 60
8. Матёқубов О. Мақомат. –Т.: Мусиқа нашриёти. 2004. –Б. 44
9. Визго Т.С., Рашидова Д. Омузикально-теоретическом наследии народов Средней Азии. –Т.: Обществение науки в Узбекистане. 1962. № 3
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008. –Б. 42
11. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Тошкент: Маънавият. 1999. –Б. 38
12. Қаранг: Мадрахимов Б.Х. Ўзбек мусиқа тарихи. – Тошкент: 2018.
13. Solomonova.T.Y. O'zbek musiqasi tarixi. –Toshkent: O'qituvchi nashriyoti. 1981. –B.15-17

13 Solomonova.T.Y. O'zbek musiqasi tarixi. –Toshkent: O'qituvchi nashriyoti. 1981. –B.15-17